

Инсон ва қонун

Махалла

ҲАМКОРЛИКДА — КАТТА ҲИҚМАТ БОР

БУГУНГИ КУНДА ҚАЙ БИР МАҲАЛЛАДА БЎЛМАНГ АҲОЛИ ТИНЧЛИГИ - ТОТУВЛИГИ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ХАЙРЛИ ИШЛАРНИ КЎРИБ БЕИХТИЁР ТАН БЕРАСИЗ. ЧУНКИ АЗАЛДАН МЕҲРОҚИБАТ, ТИНЧЛИК - ТОТУВЛИК МАСКАНИ БЎЛГАН УШБУ ГЎШАЛАРГА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДАНОҚ КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.

Хусусан, аҳолининг ижтимоий аҳолини яхшилаш, жойларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш йўлида маҳаллаларда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада маҳаллаларда иш олиб бораётган профилактика инспекторларининг ҳам ўзига хос хиссаси бор, албатта.

Биз Чилонзор туманидаги «Наққошлик» маҳалласида жойлашган 327- милиция таянч пунктида бўлиб катта профилактика инспектори, капитан Баходир Пайзиев билан суҳбатлашар эканмиз юқоридаги фикрлар бежизга келтирилмаганига гувоҳ бўлдик.

—Маҳаллаида 5300 нафардан ортиқ турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек ахил, иноқ яшаб келмоқда, — дейди Баходир Пайзиев. — Уларнинг

тинч, хотиржам яшаб, оилалари бағрида дам олишлари учун турли жиноятлар, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ноқонуний ишлар содир этилмаслиги йўлида ҳаммаси, профилактика инспектори, капитан Раҳимжон Эсонов ва посбонлар билан биргаликда кеча-кўнгуз иш олиб бормоқдамиз. Маҳалламиздаги фуқароларнинг тинчлиги- осийшталлиги, ёшларнинг бекор қолмай спорт билан шуғулланиш саломаатликлари тиклашлари, хунар эгаллаб ота-онаси, устозлари меҳнатини оқлаб юртва керакли инсонлар бўлиб вояга этишларига эътиборни қаратганмиз. Маҳалла фуқаролар йигини раиси Тамара Бочкарева, хотин-қизлар комиссияси раиси Замира Эгамбердиева, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия

масалалари бўйича маслаҳатчи Шохиста Маҳаммадовалар билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Жиноят содир этишга мойиллиги бўлган ёки айрим ноқобил оилалар, шунингдек, вояга етмаган ёшлар, айрим сабабларга кўра ҳисобда турувчи тарбияси оғирроқ болалар ҳам назоратимизда. Мана Ёшлар йилининг ҳам ярми ортда қолди. Ўтган вақт ичида режадаги ишларнинг бекор қолмаслиги йўлида қўрсаткичларга эришган ҳолда удаладиқ. Маҳаллада яқинда кичик стадион, 8- ой олдида эса кичик ёшдаги болажонлар учун уйингоҳ қурилиб ишга туширилди. Турли касб-хунарга йўналтирилган тўғаракларда ёшлар ўз хоҳишларига қараб хунар ўрганмоқдалар. — Мен Ички ишлар академиясида ўқий-

ман, ҳозирда таянч пунктида амалиёт ўтаётман, — дейди инспекторлар билан суҳбатимизга қўшилган сержант Жамол Маҳаматов. — Маҳаллаларда ёшлар тарбияси йўлида олиб борилаётган ишларни ўрганишдан, Келгусида албатта олган таърибам керак бўлади. Соғлом, баркамол ёш авлод қаторида бўлиб, мустақил юрт равақли йўлида хизмат қиламан.

Зеро, мақсадимиз ҳам келажақ эгаларини соғлом ва тарбияли бўлиб, тинчлик- тотувликда вояга етишларига ҳисса қўшишдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: «Наққошлик» маҳалласи профилактика инспекторлари фаолиятдан лавҳа. Алексей Попов олган сурат

асосига айланган буюк меъёрий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни бўлиши Конституцияимизнинг ишлаб чиқишида ҳам мазкур декларация катта аҳамият касб этганини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Х боби айнан, «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қаролатларига бағишланди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг қаролатларини таъминлаш деганда, давлат органлари ва мансаб-

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

МАМЛАКАТИМИЗ ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲАҚИҚАТГА ХОС ЙЎЛИНИ ТАНЛАДИ. БУ ЙЎЛДА СОБИТҚАДАМЛИК БИЛАН ИЛДМ ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДА. БАРЧА ЖАБҲАДА ТУБ ИСЛОҲЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЯПТИ.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида аксарият кишиларнинг тафаккурини эски тузумнинг қарашлари ўраб олгани сир эмас. Бундай вазиятда қонунбузарликларга қарши мурокасиз кураш, айни пайтда демократияга кўпроқ юзланиш тақозо этилар, бозор муносабатлари шароитида ҳуқуқий саводхонликни ошириш вазифаси қўндаланг турарди.

Истиқлолга эришганимизга 17 йил бўлди. Бу унча узоқ муддат эмас. Аммо ўтган даврда эришилган ютуқлар салмоқли, тарққибёт одимлари эса ниҳоятда залворли. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса жинойат жазоларни либераллаштириш билан боғлиқ кўпга ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши демократия томон юзланишининг чинакам ифодасидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик янгиланиш ва эркин ҳаётга хос бўлган барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамиятининг пойдевори яратилди. Танлаган йўлимиз қандай манзилга элтишни аниқ-равшан кўра боладик. Мустақилликимизни янада мустаҳкамлаш учун халқимизнинг қадимий анъаналари, қадриятларимизни давом эттиришимиз, ҳуқуқий маданиятимизни юксалтиришимиз зарур. Мамлакатимизда илм-фан ва техника юксак даражага кўтарилаётган бугунги кунда ҳар қандай жамият таракқиётининг бирламчи воситаси узлуқсиз таълим эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

1997 йил 25 июлда Президентимиз Ислам Каримов «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Шундан сўнг фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг касбий тайёргарлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида тўлиқ тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилди.

Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг қай даражада ижро этилиши билан белгиланади. Одамларда қонунларга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, «Ҳуқуқий меъёрлар одамлар онгига синган ва уллар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўбга чиқади», дея таъкидлайди Президентимиз.

Мамлакатимизда мустақиллик туфайли инсон, унинг эрки, қадриятлари ва шаъни катта бойлик, олий қадриятга, ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, маданиятни юксалтириш, фуқаролар ҳуқуқи асосий ва долзарб масалага айланган. Демак, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун аввало, маънавий қадриятларимизни ҳурмат қиладиган соғлом фикрли, ижтимоий фойдалар мекхат қилишга интиладиган ёшларни тарбиялаб вояга етказиш керак бўлади. Чунки келажақ ёшлар кўлида, Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ёшлигидан ҳуқуқий билим ва тушуначаларни пухта эгалласа, қабул қилинаётган қонун ва бошқа ҳужжатлар билан муттасил танишиб борса, ўзининг фуқаролик ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймайди, аксинча, атрофда содир бўлаётган ижобий, салбий ҳодисаларга ўз муносабатини билдирди. Ҳозир мамлакатимизда уларнинг илм олиши, турли касб эгалари бўлиб етишиши учун жуда катта шароитлар яратилган. Ёшларнинг хоҳлаган жойда ҳақиқат, хунар ўрганишлари учун зарур имтиёзлар мавжуд.

Жорий 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига асосан, ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг яшашлари, билим олишлари, ўз танлаган мутахассисликлари соҳасида, айниқса касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўқишларини давом эттириши учун шароитлар яратиш, мамлакатимиз ёшлари соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва маънавиятини юксалтириш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга янада кўпроқ эътибор қаратилган. Бугунги кунда ҳам Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросига мувофиқ, республикамизнинг ҳар бир ҳудудига ёшлар учун янги иш ўринлари очиб, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб қилиш, ёш оилаларга микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бундай чора-тадбирлардан кўзланган мақсад ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш боробарида уларда қадриятларга ҳурмат, бошлаган эзгу ишларимизга ишонч ҳиссини синдириш каби гоёлар мужассам. Қолаверса, мустақил ва соғлом фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган инсонларни тарбиялаш барчамизнинг аввало бурчимиз, қолаверса асосий вазифамиздир.

Мухайё АЛИЕВА,

Мирзо Улғбек туманидаги 4-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲЛАРНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони ҳам аҳоли томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Суров иштирокчиларининг фикрича, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи аввалгидек прокуратура органларига эмас, судларга тегишли бўлганда жинойат-ижро амалиётига халқаро эътироф этилган "habeas corpus" институтини жорий этиш шахсининг асосий ҳуқуқлари — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган шахсий дахлсизлик ва эркинликни ҳимоя қилишни ҳуқуқий базасини сезиларли равишда мустаҳкамлаш имконини берди.

Суров натижаларига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти (90,3 фоизи) Юртбошимизнинг ушбу қонунчилик ташаббусини қўллаб-қувватламоқда. Жамоатчилик фикри мазкур ҳуқуқий норманинг қўнғи қириши инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаш ва қаролатлаш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хатти-ҳаракатларини суд томонидан самарали назорат қилиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқларининг суд томонидан ишончли ҳимоя қилинишини таъкидлайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қўшилган илк халқаро ҳуқуқий ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжазон декларацияси экани ҳам катта маънога эга. Президент Ислам Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжазон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва қонуний чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган. Шу билан Ўзбекистон бутун дунёга инсон ҳуқуқларини таъминлаш мамлакатимизда юритилаётган давлат сийсатининг энг муҳим йўналишини ташкил этишини яна бир бор намоён қилди.

Ўтказилган суров фуқароларимизнинг кўпчилиги (97,2 фоизи) давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ушбу муҳим ҳужжатдан хабардор эканини кўрсатди. Хужжат билан тасдиқланган дастурда мамлакатимиз аҳолисининг Инсон ҳуқуқлари умумжазон декларацияси мазмун-моҳияти ҳақида хабардорлигини ошириш бўйича кўпга маънавий ҳамда маърифий тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Суров натижалари ҳам улари ўз вақтида ўтказиш лозимлиги ва долзарблигини далилат беради: бугунги кунда декларация мазмун-моҳияти билан фуқароларнинг 51,6 фоизи танишган.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича мазкур ижтимоий суров яна шунини кўрсатдики, Ўзбекистонда аксарият фуқаролар давлатимиз раҳбари томонидан суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга доир чора-тадбирларни қизгин маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди. Уларнинг фикрича, ушбу чора-тадбирлар яшаш ҳуқуқи ва шахсий дахлсизлик йўлида конституциявий ҳуқуқни ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг тарихий қисми ҳисобланади. Умуман, ижтимоий таъдиқот натижалари мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилаётган тўб ўзгаришлар аҳоли томонидан астойдил қўллаб-қувватланаётганидан далилатдир.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида
ЎЗА МУҲБИРИ
А. ИВАНОВА
тайёрлади

Жамоатчилик кенгашларида

ТАДБИРКОРЛАР МАНОФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-қувватлашга катта эътибор қаратилаётганига кичик ва хусусий бизнес ривожига яққол акс этмоқда. Бу эса ўз навбатида кичик қороналар ҳамда хусусий бизнес субъектлари томонидан РАҚОБАТБАРДОШ, ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ВА ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА, ШУНИНГДЕК, УЛАРНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ТАРКИБИДАГИ УЛУШINI ЯНАДА ОШИРИШГА ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

Кўни кеча Собир Раҳимов туман ҳокимлигида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман ҳудудий комиссияси қошидаги жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорликда семинар-йиғилиш ўтказилди. Унда Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашда туманда фаолият кўрсатаятган ишбилармонларга қўлайлик яратиш ҳамда ушбу йўналишда юзага келган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалалари қамраб олинди.

Семинарни кириш сўзи билан очган Собир Раҳимов тумани ҳокими Бахтиёр Ҳақимов туманда фаолият юритаётган кичик ва хусусий бизнес вакиллари томонидан Президентимизнинг юртимиз иқтисодиётини юксалтиришга қаратилган қатор Фармон ва Қарорларни ижросини таъминлаш борасида учраётган тўсиқлар, муаммоларни бартараф этишда, назорат органларининг ўрни, роли ҳақида тўхтади. Тадбиркор нечоғли билимли, қатъиятли, ишчан, ташаббускор бўлса, ўзининг, қорхонасининг муваффақиятини таъминлайди, келгуси истиқболни белгилайди, деб таъкидлади. Шунингдек, у жамоатчилик кенгаши раиси сифатида жорий йил бошидан қилинган ишлар ҳақида ҳисобот берди: келиб тушган 5 та ариздан учтаси ижобий ҳал қилинди (хусусий тадбиркор Х.Аҳмедов, «Дарбиол энд» масъулияти чекланган жамияти: яқка тартибдаги тадбиркор «Сундаев А.Д»), ҳозирда «ПВА-248» масъулияти чекланган жамиятининг шикоят хати устида иш олиб боришмоқда.

Жумладан, йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Шавкат Мирзаев жамоатчилик кенгаши саъй-ҳаракатлари билан ишбилармонлар учун уюштирилган давра суҳбатлари, учрашуви, семинар, тадбирлардан кўзланган мақсад, улари назорат органлари раҳбарлари, етуқ мутахассислар билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб олишлари ҳамда қонун томонидан тадбиркорларнинг манфаат ва ҳуқуқлари таъминлаш, ҳимоя қилинишига ишонч туғдиришди, дея таъкидлаб, тадбирга яқун ясади.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Ислохотлар оқимида

ЭНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

ЎЗ ОЛДИГА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ, АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШИНИ ПИРОВАРД МАҚСАД ҚИЛИБ ҚўЙГАН МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ ҲИСОБЛАНИБ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲАМДА МАНОФААТЛАРИНИ, ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ҲАМ ЮРТИМИЗДА БУОҚ КЕЛАЖАКНИ КўЗЛАБ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ОҚИЛОНА СИЁСАТНИНГ АСОСИ ЭКАНЛИГИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ЎРИНЛИДИР.

да-ги Фармонию биноан амалга оширилаётган ишлар ҳуқуқий демократик давлат ва кўчли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги ислохотларнинг узвий давомига айланади.

«Инсон ҳуқуқлари умумжазон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Демократик, ҳуқуқий давлат, кўчли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятини ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сийсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилади», — деб таъкидлайди Юртбошимиз.

Дарҳақиқат, «Инсон ҳуқуқлари умумжазон декларацияси» инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этган, бу соҳада бутун халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг сийсий, ҳуқуқий

дор шахслар томонидан фуқароларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишларига тўққинлик қилиш ҳолларига йўл қўймайди, бундай ҳолатлар эса берган бўлса, улари қонуний йўллар билан бартараф этиш, қолаверса шу ҳуқуқлар билан боғлиқ мажбуриятларнинг баҳарлигини таъминлаш тушунади.

Бундан ташқари, декларацияда белгиланган инсонпарварлик қондаларини, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини эъозлаш, қадрлаш давлатимизда таракқиётимизнинг ўзига хос рамзий тус олган шакли сифатида ҳар бир йилга ном бериш ва шу асосда олдимизда турган долзарб масалаларни босқунча босқун ҳал этиб бориш жараёнида ҳам намоён бўлаётганлигини кўриш мумкин.

Фарход ЛОЧИНОВ,
Илҳом УБАЙДУЛЛАЕВ,

Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчилари

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

МАМЛАКАТИМИЗДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТУФАЙЛИ, ФУҚАРОЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШ ВА ЕТАРЛИЧА ҲИМОЯ ҚИЛИШГА БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР ҲАМ ЮЗАГА КЕЛДИ. АЙНИҚСА, ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК ВА ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛИЯТИГА ЙЎЛ ОЧИЛИШИ МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҲАМ ЎЗГАРИШЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРДИ. БУНДАЙ ЖАРАЁНДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚўЙИШДА МЕҲНАТ ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ МУҲИМ ОМИЛ САНАЛАДИ.

Меҳнат шартномаси ҳақида ҳар бир фуқаро маълум тушунчага эга бўлиши керак. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси билан фуқароларга берилган меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш, ёлланма меҳнат қилиш ҳуқуқининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли- фуқаро билан иш берувчи ўртасида тузиладиган ҳужжат меҳнат шартномаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-моддасида келтирилган расмий таърифга кўра: «Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян тартибга бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир». Шунингдек, Меҳнат кодексининг 82-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ишга қабул қилиш барча ҳолларда иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси буйруқ чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади. Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади ва ходим ҳамда ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсининг имзолари билан тасдиқланади.

Меҳнат шартномаси ҳам ҳар қандай бошқа шартномалар син-

таъминлашдир. Дарвоқе, ходимнинг ишга қабул қилинганлигининг ўз вақтида ва тўри расмийлаштирилиши ҳам ходим, ҳам иш берувчи манфаатларига мосдир. Чунончи, меҳнат шартномасини расмийлаштирмасдан туриб ишлаган руҳсат этилиши кейинчалик ходим томонидан шартноманинг озгаки шаклда эришилган шартларнинг инкор этилишига ёки унга хатто ўз вақтида, бироқ ишга руҳсат этилиши олдиндан озгаки шаклда келишиб олинган шартларни ишга қабул қилиш чоғидаги синов, муддати меҳнат шартномасини тузилиши ва бошқалар тўғрисида ҳам киритиш мумкин бўлмаслигига олиб келиши мумкин. Агарда ходим белгиланган тартибда бажараётган ишга нолойиқ деб топилса у ҳолда меҳнат шартномаси бекор қилинажаклиги тўғрисида уни иш берувчи камида икки ҳафта олдин оголхантириб қўйиши керак. Оголхантириш муддати даврида ходимга унинг уртача иш ҳақини сақлаган ҳолда бошқа иш қидириш топилши учун бир кун бўш вақт берилиши керак. Меҳнат кодексининг 109-моддасига биноан Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди бўйича бажараётган ишга нолойиқлиги сабабли меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида ходимга камида бир ойлик маош миқдоридан ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши лозим.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ишга бўлган эҳтиёжи мавжуд экан, уларнинг ҳар томонлама манфаатларини ҳимоя қилиш асосий масала бўлиб ҳисобланади. Бунда меҳнат қонунчилиги меҳнат муносабатларини тартибга солиш ҳужжат вазифасини ўтаб бораверади.

Гўзал ЮЛДОШЕВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИСТЕЪДОДИ ЁШЛАР «ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ» ФЕСТИВАЛИДА

ФРАНЦИЯНИНГ САНТ-ФЛОРАН ШАХРИДА «ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ» — «FESTIVAL LES ORIENTALES» ХАЛҚАРО АНЪАНАВИЙ МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ НИХОЯСИГА ЕТДИ. УНДА ҲИНДИСТОН, ПОКИСТОН, ЖАЗОИР, ИОРДАНИЯ, МАРОКАШ, ИНДОНЕЗИЯ ВА БОШҚА ДАВЛАТЛАРДАН КЕЛГАН ИЖОДИЙ ГУРУҲЛАР ИШТИРОК ЕТДИ.

Жорий йилда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасы кўмағида «Янги авлод» болалар ижодий фестивали ва «Келажак овози» иқтидорли ёшлар танлови қолиблари илк бор ушбу халқаро анжуманда иштирок этди. Иқтидорли раққослар ва моҳир созанда-ларимиз ўзбек халқининг жўшқин ҳамда бетакрор санъатини француз томошабинлари эътиборига ҳавола қилди. Шодидера Омонованинг рақс ижроси, Юлдуз Мирсаматова ва Ирода Мирсоатоваларнинг дутор ижросидаги дуэти, Илбос Арабовнинг яна бир миллий чолғу асбоби — гижжадаги мусликий ижроси санъат ихлосмандларига айниқса манзур бўлди.

Ҳар бир чиқишини томошабинлари билан ақиндан танишиш ҳамда фестивалда иштирок этувчиларни таллаб олиш мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрган эди.

Фестивал президенти Эрве де Шаррет кўйидагича таъкидлади: «Форум жамғармасининг кўллаб-қувватлаши туфайли фестивалида ўзбекистонлик санъаткорлари қабул қилишга муяссар бўлди. Ўзбекистон вакилларининг иштирокисиз Шарқ муслиқасига бағишланган фестивални тасаввур этиш қийин бўлур эди. Зеро, юртингиз халқ муслиқаси бадиия фахрли уринларни эгаллайди ва бутун дунёга «Шашмаком» каби мумтоз муслиқанинг энг ноёб дурдоналарини тўхфа этган».

Форум жамғармасининг таълифига биноан, С.Киа хоним

Маямурий масалалар бўйича маслаҳатчи Катерин Мотил хоним ҳам Ўзбекистон вакиллари-нинг чиқишлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди:

— Ўзбекистонлик ёш истеъдод эгалари томонидан ижро этилган жўшқин куй ва рақслар менга жуда манзур бўлди. Улар томошабинларга Ўзбекистон-нинг бой маданияти, аҳъаналари ва тарихининг ўзига ҳос кирраларини ёрқин ва ранг-баранг тарзда етказиб бера олдилар. Ўзбек маданиятига бўлган улкан қизиқиш шунчаки пайдо бўлган эмас. Бу ўринда европалик танликли сайёҳ Марко Поло ўз асарларида Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий ва машҳур шаҳарлар ҳақида қайд этиб ўтганини ёдга олишининг ўзи кифоя.

Бу каби тадбирларни ташкил этиш ва уларда Ўзбекистон вакилларининг иштироки кенг жамоатчиликни юртингизнинг бой маданияти билан ақиндан таништиришга хизмат қилади.

Мазкур тадбир Форум жамғармасининг ўзбек миллий мероси ва замонавий санъатига бағишлаб Европада ўтказилган илк тақдироти эмас, албатта. 2006 йилнинг мартида Париж шаҳрида жамғарма ваколатхонаси очилган пайтдан буюн, Европа жамоатчилигини Ўзбекистон маданияти ва санъатининг турли йўналишлари билан таништириш бўйича кўллаб тадбирлар ўтказилди, шунингдек ўзаро алмасув ва маданий-гуманитар ҳамкорлик борасида қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Ўзбекистонлик болалар Франциядаги чиқишларидан сўнг «EVORA» шарқ муслиқаси фестивалида иштирок этиш учун Португалия мамлакатига ҳам ташриф буюрадилар.

Насиба САБИРОВА, «Жаҳон» АА муҳбири



— Ишончнома кўпи билан қанча муддатга берилиши мумкин? Агар ишончномада муддати кўрсатилмаган бўлса, у ҳақиқий ҳисобнамадими?

Х.Солиев, Чилонзор тумани

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига кўйидагича белгиланган. Ишончнома кўпи билан ум йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Берилган кўпи кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас. Нотариус томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилинганга ўхшайди.

— Касалхонада ҳамшира бўлиб ишламан. Яқинда касалхонамизга ётқизилган бир беморга боғлиқ ҳолда бўлим мудири билан низолашиб қолдик. Хуллас, маъмурият бу ҳолатда менинг ноҳақ эканлигимни жамоа шартномаси талаби билан исботлашга уринди. Лекин жамоа шартномасининг амал қилиш муддатига қарасан, 2007 йилнинг декабрига қадар амал қилиши белгиланган экан. Муддати ўтган жамоа шартномаси ҳам қонуний кучга эга бўлиши мумкинми?

С.Абдужабборов, М.Улуғбек тумани

— Ҳақиқатан ҳам ҳар бир ҳужжат, шу жумладан жамоа шартномаси ҳам унда белгиланган муддат давомида амал қилади. Бироқ, Меҳнат кодексининг 41-моддасига қўра, жамоа шартномаси имзоланган вақтдан эътиборан ёки жамоа шартномасида кўрсатилган кундан бошлаб кучга қиради ҳамда тарафлар белгиланган муддат давомида амал қилади.

Белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шартномани ўзгартиргунча, тўлдиригунча амалда бўлади.

— Мен яқинда касалхонага ишга кирдим. Лекин меҳнат дафтари бўлмаганили учун касалхона қадрлар бўлиши боғлиқ менга меҳнат дафтари олиб келишимни айтди. Уни қаердан оламан, десам у «Менга ҳам беришмаяпти» — деди. Бундай ҳолатда нима қилиш бўлади?

Р.Ҳақимов, С.Раҳимов тумани

— Корхонада 5 кундан ортиқ ишлаган ҳар бир ходимга Меҳнат дафтари сотиб олиш беришининг вазифасига, тоифасига қиради. Бунинг учун эса ҳар бир корхона ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, маҳаллий меҳнат органларидан олинган сотиб олиш шартномаси асосида меҳнат дафтари сотиб олиши мумкин.

Меҳнат дафтари сотиб олиш шартномаси сотиш ёки олиш таъқиқланади. Меҳнат дафтари сотиб олиш шартномасини тузиш учун корхоналар маҳаллий меҳнат органларига ёзма мурожаат қилиб, унда штат жадвали бўйича ходимлар сони, вакант лавозимлар сони, меҳнат дафтари олиш ёки дубликат ва дафтарида қўшимча вақф берилиши лозим бўлган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Саволларга Ҳамза туманидаги 2-сонли давлат нотариал идора нотариуси (хуқуқшунос) Лола АЗАМАНОВА жавоб берди.

—Хуқуқ -тартибот идорасига бир неча бор ариза билан мурожаат қилдим. Аммо аризам натижасиз қолдирилди. Аризани кўрмасдан ҳам қолдириш мумкинми?

Жасур Ҳайдаров, Миробод тумани

— Агар ариза муомаллага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса; манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс берган бўлса; суд айнаи бир тарафлар ўртасидаги, айнаи бир предмет тўғрисидаги ва айнаи бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса; ишнинг ўзларининг иштирокисиз кўриши илтимос қилган тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрли сабабларсиз судга келмасалар, суд эса ишга оид мавжуд материаллар асосида ишнинг ҳал қилиш мумкин эмас деб ҳисобласа;

ишнинг ўзларининг иштирокисиз кўриши илтимос қилмаган дэъвогар иккинчи чақирув бўйича судга келмас, жавобгар эса ишнинг мазмунан кўриши талаб қилмас бундай ҳолларда ариза кўрмасдан қолдирилади.

—Муниципал мулк нима? У ҳам хусусий мулк қилиб берилиши мумкинми?

Д.Доноева, Ҳамза тумани

— Давлат ҳокимияти маҳаллий органларнинг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулкнинг комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мулк муниципал мулк бўлади.

Муниципал мулк бўлган мол-мулкни, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этидилар.

Муниципал мулк объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

— Ун тўрт ёшга тўлган шахс томонидан тузилган битим ҳам ҳақиқий деб топиладими?

З.Жуманова, Чилонзор тумани

— Ун тўрт ёшга тўлган шахс томонидан тузилган битим ўз ўзидан ҳақиқий эмас. ФКнинг 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган битимлар бундан мустасно.

Бундай битимдаги тарафларнинг ҳар бири битим бўйича олган ҳамма нарсага тарафга қайтариб бериши, олинган нарсага асл ҳолида қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса унинг қийматини пул билан тўлаши шарт. Бундан ташқари, муомаллага лаёқатли тараф, агар иккинчи тарафининг муомаллага лаёқатсизлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, иккинчи тарафга у қўрган ҳақиқий зарарини тўлаши шарт.

Саволларга Шайхонтоҳур тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идора нотариуси, хуқуқшунос Санам АЗИМОВА жавоб берди.

ДУНЁДА ШУНДАЙ ЭЗГУ, ХАЙРЛИ ВА САВОБЛИ ИШЛАР БОРКИ, БЕИХТИЁР УНДАН БАРЧА БАҲРА ОЛАДИ, КЎНГИЛ КЎТАРИЛИБ ҲАЁТГА МЕҲРУ МУҲАББАТ ЯНАДА ОРТАДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ БАРЧАГА ЯХШИЛИК СОғИНИБ ЯШАЙДИГАН, КАМТАРЛИК ЗИЙНАТИ БЎЛГАН, ЯХШИ-ЁМОН, ОғИР-ЕНГИЛ КУНИНГИЗДА СИЗГА ТИРГАК БЎЛГАН КИШИЛАРГА ИНТИЛАСИЗ, УЛАРДАН ИБРАТ ОЛАСИЗ.

Ибрат ШУНДАЙ ОЛИЖАНОБЛАР КЎПАЯВЕРСИН

Хусусан, кўни кеча Яққасарой тумани Ички ишлар бошқармасида бўлиб ўтган тадбирда иштирок этганимизда юқоридagi фикрлар беихтиёр кўнглимиздан ўтди.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар, юрт истиқболли, жамият ривожли, шу билан бирга инсонлар ижтимоий муҳофазаси йўлидаги хайрли ишлар сабабли энг тараққий этган хориж давлатларида ҳам мустақил дийримида бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Тобора чирой очиб, гуллаб-яшнаётган Республикамизга келатган сайёҳлар сафи ҳам тобора кўпаймоқда. Германиянинг Гамбург шаҳридан юртимизга келган муҳандис Енг Ми ҳам ўз ишлари ва сафар таассуротлари билан чалиб қилиб, ҳужжатлар, паспорт, меҳмонхона калитлари, авиачипта, пул маблағлари ва бошқа керакли нарсалари солинган ҳамёнини қаерда туририб қолдирганини билмай қолди. «Энди нима бўлади, ахир хизмат сафари эртага тугайди, кечкурун юртига қимчи керакми?» Мана шундай хаёлар гирдобиди қолган меҳмонимиз аҳволини тушуниш мумкин. Нима қилиш керак?..

Шундай мушкул вазиятда халқимизнинг азалий одатларидан бири — ҳалоллик, олижаноблик, беминнат савобга қўл уриш каби эзгу фазилатлари яна буй кўрсатди. Ҳамшаҳарларимиздан бири Сеит-эмин Фозиллов машинадан тушайтиб оёқ остида ётган ҳамёнга кўзи тушди-ю хайрон бўлиб қолди, ахир атроф-



да ҳеч ким йўқ, ким туририб қолдирди экан? Ҳамёнини қўлига олиб ичини очди ва кимнингдир зарур ҳужжатлари эканини кўриб паспортга кўз югуртирди. Демак, шахримизга меҳмон бўлиб келган неманилик Енг Ми хоним роса хуноб бўлаётган экан-да, деб ўйлаганча паспортни арақлар экан бирдан Яққасарой тумани ички ишлар бошқармаси томонидан рўйхатдан ўзгаришларни ҳақиқатда белгила кўзи тушди. Дарҳол туман Ички ишлар бошқармасига телефон орқали боғланиб ахволини тушунтирди, паспорт эгасини топишда ёрдам беришларини сўради. Вазиятни тўғри тушунган ички ишлар ходимлари тезда ишга киришиб неманилик меҳмонни топдилар. Ва уни янглиқдан хабардор қилиб бошқармага келиб барча буюм ва ҳужжатларини тўла сақлангани ҳолда олиб кетишга тақлиф қилдилар.

—Кўтилмаган хабарни эшитиб хурсандлигимдан нима қилишни билмай шошилиб қолдим, — дейди кўнчинини биз билан баҳам қўраётган Енг Ми хоним.— Чунки бундай хабарни ҳеч ҳам кутмаган эдим. Юртингизга келганимдан бери гўзал ва обод шахрингиз, меҳрибон одамларингизга ҳавас ва ҳайрат билан боқайтган бўлсам, энди эса халқингизнинг олижаноблиги ва мардчилиги яна бир қарра ташқинлар айтаман. Ўзбекистон ҳақидаги яхши хотиралар узок вақт эдимдан чимқайиб деб ўйлайман. Бутун дунёда яхши инсонлар кўпайсин, раҳмат сизларга!

—«Меҳмон — отангдек улуғ» деган нақл беҳижга айтилмаган, — дейди Сеит-эмин.— Уларнинг хурсандлигини кўришининг ўзи кишига қувонч бағишлайди, шунинг ўзи катта муқофот. Қилган ишнинг жуда мактаб юбюрэксизлар, ахир оддий одам-гарчилик юзасидан қилинадиган ишлар ҳам борку! Отам менга «Болам, одамларга беминнат яхшилиқ қил, ҳалол бўл, икки дунё саодатига эришасан», деб тарбия берганлар. Чорасиз қолган одамда вақтида ёрдам берганимдан жуда хурсандман.

—Шундай ҳолатларда рўйхатдан ўтишининг афзаллигини янада кўзга ташланади, — дейди уларни қузатиб турган Яққасарой тумани ички ишлар бошқармаси хорижа чиқиб, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, майор Фахриддин Турсунов.— Агар меҳмонимиз эътиборсизлик қилиб рўйхатдан ўтмай юрганга яна кидириб топиш қийинроқ бўларди. Қани энди ҳар биримиз бир-биримизга яхшилиқ соғиниб яшасак, хайрли, эзгу ишларга бош бўлиб номимизни фидойилар сафида қолдирсак. Ҳамшаҳримизнинг қилган ишидан ибрат олак ярашади.

Ха, биз ҳам Сеит-эмин каби инсонлар сафининг ортинини, меҳр-муҳаббат, инсонийлик фазилатлари ҳеч кимни тарқ этмаслигини тилаб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: Енг Ми хонимга йўқотган ҳужжатлари қайтаришда

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

«ТУРКИСТОН» САЪАТ САРОЙИНИНГ ЁЗГИ БИНОСИДА «ОғРИҚСИЗ ЮРАК» ШИОРИ ОСТИДА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

«Ўзбекистон-Корея» дўстлик жамияти ва Кореянинг «JCI Korea» ташкилоти ҳамкорлигида Ўзбекистонлик бемор болалари Корея давлатида бепул даволанишлари учун «Оғриқсиз юрак» халқаро акциясини амалга ошириб келмоқда. Жумладан, 10 нафарга яқин юрак хасталиги билан оғриган бемор болалар Кореянинг нуфузли клиникаларида жарроҳлик операцияларини ўтаб қайтишди. Жорий йилнинг июль ойида навбатдаги 6 нафар ўзбекистонлик бемор болалар Корея давлатига даволаниш учун юборилиши кўзда тутилган.

—Авалло, ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигини билдираман, — дейди Олмалик шаҳридан келган Насиба Иброҳимқуллова. — 10 ёшли ўғлимнинг юрағида туғма порок бор. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Кореянинг бир қатор ташкилотлари ёрдамида ўғлим

Кореяга жўнатиляпти. Соғлом фарзандлар юрт келажигиди. Ўғлимни ҳам шулар қаторида бўлишини жуда истайман.

Дарҳақиқат, жамғарма бир неча йиллардан буюн Корея республикасининг бир қатор ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётди. Жамғарма билан Корея халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти ўртасида 2007 йилда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим натижа-сида Урта Чирчиқ тумани болалар касалхонаси таъмирланди ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Амалга оширилаётган бу каби сайёҳ-харакатлар болалар саломатлигини тиклаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, «Туркистон-пресс»

ҚАРАСАНГ БОФ

Биз кўшнлар яшаётган кўп қаватли бинолар орасида чамаси уч гектарга яқин бўш ер бўлиб, у иморатлардан қолган-қутган ташландик қурилиш материаллари билан тўла эди. Шу жой уч-тўрт йил шундай-лигина қаровсиз ётаверди. Кейин сўраб-суриштирув бошланди. Биров бу ер болалар боғчаси учун қолдирилган экан деса, яна биров мактаб қурилишини айтди. Кимдир дам олиш маскани бўлишини башорат қилди. Хуллас шу тахминлар боис яна йиллар ўтаверди. Бора-бора баъзи кўшнлар унинг бир четини қичқиллардан тозалаш, томорка сифатида фойдалана бошлади. «Чиллаки чиллакини қуриб чумак уради», деганларидек, бошқалар ҳам ундан ўзлари учун тегилли жой ажрати олиш пайига тушишди. Йиллар ўтиб «ер эгалари» томонидан шоша-пиша пала-партиш экинлар экинлар сувсизликдан қуриди. Ниҳоллар қуриган чўпа айланди. Шундан кейин бу жойга сув келтирмай, ерни ташландиклардан бутунлай тозалашга туриб ҳосил ундириб бўлмаслигини тушуниб етишди. Яна майдон ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

отaxon миш-мишларга парво қилмади. Ўз билганидан қолмади. Бора-бора майда-чуйда гаплар ойлари ўтган сари катта муҳажорога айланди.

— Нега маҳаллага тегилли бўлган жойга Шоқосим ота хўжайинчилик қилади. Меҳнат қилган бўлса икки-уч йил хосилини еди. Энди бу жойни маҳаллага қайтарсин. Боғдан шу яқин атрофдаги ҳамма хонадонлар баравар фойдаланишини, дегувчи оғзи катталар пайдо бўлди. «Хой, номинсофлар ахир шу қария шу ерни обод қилма-деганда сенлар ўзларининг пана-панага олган эдиларин. Энди тайёр ошга баковул бўлмоқчимисанлар», деганлар кам топилиди.

Фиску-фасод гаплар бора-бора отaxonга таъсир қилди, гайратини сусайтирди. Кейинроқ у ётиб қолди. Қаровсиз қолган боғ парваришини йўқотди. Хали тўлиқ етилмаган меваларни катта-кичик пала-партиш узди. Дарахт шоҳлари синди. Маҳалла фаоллари боғни вақтинчалик шу ерда жойлашган чойхона ихтиёрига топширишди. Лекин чойхона-чи ва унинг қоровулининг гапини кўпчилик эътиборга олмади. Кўп ўтмай, боғбонсиз қолган боғ қурий бошлади. Ажойиб манзара, қўрган-жойда ишлар, кўеви эса катта бир хўжалиқнинг бош ҳисобчиси. Шундай оиланинг онахонини бундай ҳолда қўриб хайрон бўлди. Унга ўзимизни танитиб хол-ахвол сўрадик. Оиласини сўраб-суриштирдик. Хола ҳасратга тушиб кетди.

— Ҳаммаси ўз аврасини тортиб юрибди. Қаерда бўлишса ҳам соғ бўлишини ишқилиб. Ҳозир иккала ўғлим икки жойда туради. Уйимизни сотиб юборганми. Ўшандан бери мен уйсиз сарсон-саргардонман. Гоҳ унсизникида, гоҳ бунисиникида тураман. Хуллас, қарганимизда болалардан ёлчимадимида айланай.

Холанинг бу гапини эшитиб қаттиқ ранжидик. Наҳот акли-хушли фарзандлар шу қадар айнаб, қари она-сига қарамай қўйишган бўлса? Бир кўни баногоҳ йўлда холанинг катта ўғли Нуриллони учратиб қолдим. У янги «Нексис» машинасига суанганича таниш бир аёл билан сўхбатлашиб турарди. Нурилло мени кўриши билан дарҳол машина кабинасига ўтирди. Қадди-баста келишган жувон «Тўхта номорд, мени бир ёқлик қилиб кет», деб Нуриллонинг ёқасига ёпишди. У мендан уялими ё аёлнинг бу қилигидан мулзам бўлибми, ҳар қалай маши-

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Маҳалланинг катта бир йиғилишида ташландик ер масаласи кўтарилди. Юқоридан келган вакиллар бу жой маҳалла ихтиёрига топшириллажани айтишди. Шундан кейин уни обод қилиш юзасидан турли фикрлар билдирилди. Лекин ҳеч ким журъат этиб ободончилик ишга бош-қош бўлиш вазифасини ўз зиммасига олмади. Шунда маҳаллада анча обур топан Шоқосим ота исмли қария ўрнидан турди.

— Агар маҳалладошлар рози бўлишса шу жойни менга берсаларки. Мен унинг бутун ҳаракатини бўйимига олган ҳолда обод қилиб, шу ерда катта бир боғ яратсам, — деган тақлифини киритди.

Отaxonнинг бу гапидан ҳамма хайрон. Тоғни урса талқон қиладиган йигитлар бу ишга жазм этмай турганларидега ёши бир жойга бориб қолган қария нима деярди ўзи? Ахир бу жойни тозалаш, сув келтириб, обод қилишининг ўзи бўладими? Одамлар ишқибозлик учун бу тий-дондан жой олиб қанча тер тўкиб каталадек ерни ўзлаштири олмай ташлаб кетганларини наҳот бу чол инобатга олмаётган бўлса?

Ташлашиб-тортишув ниҳояси отaxon томонига қал бўлди. У эртасидан бошлаб ишга киришди. Одам ёллаб ерни ташландиклардан тозалаш. Бир неча километр узокликдаги ариқдан қувур орқали сув келтирди. Олдинига ишонч билдирмай, қани кўрайликчи, чолнинг кучи қанчага етаркин, деб ўтирганлар ундаги бу гайрат, ҳаракатни кўриб кўзларига ишонмай қолишди. Йил ўтиб кеч қуз ва эрта баҳорда режа билан ўтказилган ниҳоллар буй чўзиб ўзини кўрсатиб қолди. Отaxon елиб-югуриб бо парваришини бўшаштирмади. Қўлидан кетмон, тоқайчи тушмади. Ниҳоллар тагини оймадди, бақчи шоҳларни кесди, вақтида уларга сув берди. Қараскизи, беш йилда росмана боғ юзига келди. Отaxon унинг хосилини бир ўзи емади. Маҳаллага берди, қўни-қўшнларга, яқинларга тарқатди. Барибир кўпчилик кўпчилик экан-да. Орада ивиришув гаплар бошланди. Аввалига

нинг ҳавасини келтирадиган, бутун бошли маҳаллага фойз бағишлаб турадиган боғ яна харобага айланди. Ана шундагина атрофдагилар боғ боғбонсиз хароб бўлишини тушуниб етишди. Отaxonни йўқлаб қолишди. Лекин энди кеч бўлган эди. Шоқосим ота куч-қувватдан кетиб меҳнат ярамай қолганди.

Охир-оқибатни тушуниб етган кишилар бир ёқадан бош чиқаришди, бирилашиб, боғни қайта тиклаш ишга киришдилар. Бу ишга маҳалла фаоллари бош-қош бўлди. Кўпчилик илтимоси билан Шоқосим ота яна иш тепасига келиб, ободончилик қаракли маслаҳатларни бериб турди. Ўз боғбонини топан боғ кўп ўтмай яна гуллаб-яшнади.

Яқинда биз ҳам шу маҳаллада бўлиб боғнинг эрта етилган ширин-шаркар меваларидан татиб қўрдик. Маҳалладошлар ва кекса боғбон Шоқосим ота билан дилдан сўхбатлашдик. Шунда маҳалла ахли бир овоздан «Бу боғ Шоқосим ота боғи» деб ишга олганларидега отaxon дилдидан яйраб кетди. Ха, энди у ўз меҳнатининг қадрини топангиди.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Яқинда ўтганларни хотирлаш мақсадида қабристонга бордик. Эшикдан кириб бораётиб сада-кага кўл очиб турган аёл кўзимизга иссиқ кўринди. Унинг охири тўкилган кийим-бошларига боғиётиб тикилиб қолдик. Аёл бизни кўриб хижолат торгандек ўзини тесқари бурди. Атайлаб унинг қўлига пул тутказмоқчи бўлдик. Аёл ийманибгина қўлини чўзди. Бундай қарасак бири вақтлар биз билан кўп қаватли уйнинг бир йўлида яшаган қўшнимиз Нури хола. Орадан йиллар ўтиб ўша уйимиз торлик қилиб биз бошқа томондан уй олиб кўчиб кетгандик.

Холанинг икки ўғли, бир қизи бор эди. Ҳаммаси топармон-тутармон. Битта ўғли аллақандай сардаронад

надан тушди. Унга қўлиб бир нарсадан деди. Кейин қўлига бир пачка пул берди. Шундан кейин аёл ундан айрилди. Яқинлашиб қолганимни кўриб мен томон юрди. Сўрашиб-исташдик. Ундан онаси ҳақида сўрадим. Нурилло қўлиб шундай деди.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

МАХМУД ЗАМАХШАРИЙ ХИКМАТЛАР

Ақлли, гофил кишининг (сукут сақлаб) жим туриш ҳолати жоҳил, паришон кишининг узридан афзалдир.

Мардонавор киши мағлуб бўлгани билан унинг мартабаси паст бўлмас, машаққату ташвишга гирифтор бўлса-да, хор бўлмас.

Айвони атрофида қушлар учиб-кўнадиган жойи бўлмаган уйга ёмғир ҳам барака бермайди, унинг эгаси ҳам эркинлик билмайди, у жой фақирликка гирифтордир.

Момақалдиқроқли ёмғирнинг ёғиши ростгўй кишининг ваъдасига вафо қилиши мисоли ёқимлидир.

Ўтган умрингни мулоҳаза этиб, тавба қилишга шошилгин, чунки ажал етса, уни кечиктириш ҳеч кимнинг қўлидан келмас.

Хийлакорлик кўзи ғилайлал билан биргадир, улар доим айрилмасдир, ғилай кўзлар эса хийласиз бўлмас.

Қарзи бўлмаган киши холису софдир; бир кишининг гўзал ишлари бор деб таъкидланса, бу сўз унга нисбатан камчиликдир.

Ўз дининг ва шарафингни сақлайдиган нарсаларни қаттиқ тут, ўзинг учун қулайроқ, енгилроқ бўлган нарсани олма, бинобарин, машаққатига яраша савоби ҳам бўлади.

Ўзини сахий, мард ва ҳиммати балинд кўрсатиб, аслида хору зор, ҳақир ва қадри тубан бўлган одамлардан қўрқ, токи бир кун ўзларининг хасисликлари бирла онгсизликдан мард одамни тузоқларига тўширгайлар.

Ноқису етишмовчилик чодир қурди, бахту иқбол унинг ҳамроҳи бўлди; илму фазилат сафарга чиқди, йўқлигу бебахтлик ён-атрофдан унга итоат қилди; жоҳилу нодонлар қаерда бўлса иқболу бахт уларга томон боққан, олимую фозиллар эса қаерда бўлса бахтсиздилар.

Хайвонга яхшилик қилсанг севилади, хайвон севинса, эгасини тепади (одам боласи ҳам мана шунга ўхшаш: агар у ташвишу машаққатдан холи қолиб, ўзини нодонлар қаерда бўлса иқболу бахт уларга томон боққан, олимую фозиллар эса қаерда бўлса бахтсиздилар).

Бу дунё ибратли ишлару, панд-насихатларга тўладур, аини вақтда кўз ёшларига ҳам сероб.

Кўпинча фиску фасод қилувчилар бир нарсани гумон қилиб, уни ҳақиқат деб ҳисоблар, холбуки, пировардида унинг нотўғри эканлиги равшан бўлар.

Тилинган чиққан садақа баъзан қўлингдан чиққан садақандан кўра хайрлироқдир.

Кўпинча вақтида ишлатилган хийлаю тадбиркорлик кучу қувватдан голиб келур.

Арслон нафақат чуқур қазиш билан овланиб қолмай, кўпинча у хийла билан ҳам овланади.

Кўп вақтда зиёдалик, ортиклик зиён келтиради. Масалан, бир қўлда олтита бармоқ бўлса, бу ортиклик бўлмай, камчилик ҳисобланади.

Ўз — ўтмоқда соз ДЎСТЛИК ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

БЎСТОНЛИК ТУМАНИДАГИ «КАМАЛАК» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ ҲАМДА ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СПОРТ ЖАМИАТИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН СПАРТАКИАДАНИНГ БЕТАКРОР БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кизиқарли спорт мусобақаларида Оқтош минтақасида жойлашган «Зилола», «Автомобилчи», «Нурафшон» ҳамда «Камалак» оромгоҳларида хордик чиқараётган болалар иштирок этишди. Яъни, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ва қизлар мини-футбол, волейбол, теннис коптгоғини улоқтириш, узунликка сакраш ҳамда 60 метрга югуриш бўйича ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Авваламбор, икки оғиз сўз ушбу ҳудуддаги оромгоҳлар тўғрисида. Кўпчилик ўсимирлар бу ерларда бир неча бор хордик чиқариб, хуш кайфият билан мактаблари кўчоғига қайтишмоқда. Икки жонажон дўгона Гўзал Фуломова ва Анжелика Чирковалар ўзлари дам олаётган «Зилола» оромгоҳи тўғрисида қўйидагиларни сўзлаб беришди:

— Ушбу оромгоҳда ҳар йили ёз мавсумида дам оламиз. Ҳавоси тоза, сувлари зилол, кўпгина тўғрақлар ишлайди. Тарбиячи ва педагоглар ҳам тажрибали, жонқуяр; болалар қалбига йўл топа олишади.

«Камалак» соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Александр Ни эса бу

ерда яратилган шарт-шароитларни қўйидагича тавсифлади: — Соғломлаштириш оромгоҳимиз 10 гектарлик ҳудудни ўз ичига олган



бўлиб, ёзги ва қишки сузиш хавзаларимиз болажонлар ихтиёрида. Оромгоҳда футбол, баскетбол ва волейбол майдончаларининг мавжудлиги, стол тенниси, шахмат-шахка турнирларини ўтказиш учун шароитларнинг борлиги туфайли доимо спорт мусобақаларини ўтказиб турамыз. Турли йўналишлар бўйича бисер тўқиш, қўйдириб бадийи нақш тушириш, авиамодел, тасвирий студия, компьютер син-

фи каби тўғрақлар, театр ва кутубхона мавжуд. Бир сўз билан айтганда, болажонлар оромгоҳимизда ҳам мазза қилиб хордик чиқарадилар, ҳам турли-туман ҳунарларни ўрганадилар. Энди бевосита спартакиада мусобақаларига тўхталадиган бўлсак, кўпчилик ишқибозлар ўз жамоаларини қизгин қўллаб-қувватлашга катта тайёргарлик кўрдилар: байроқчалар, спорт шюорлари тайёрланди. Қизлар ўртасида ўтказилган волейбол мусобақалари айниқса қизиқарли ўтди. Бунда «Зилола» қизлари «Камалак» устидан қиройли ғалабага эришишди.

Футболчилар мусобақасида ғалаба қозониш анча мушкул эди. Чунки барча жамоаларнинг кучлари деярли тенг бўлиб, ҳужумкор ўйин кўрсатишди. Ушбу мусобақаларда ҳам финалда «Автомобилчи»ни енгган «Зилола» футбол командасига омад қилиб боқди.

Узунликка сакраш баҳсларида дастлаб «Камалак» оромгоҳи болаларининг қўллари балинд келаётганди. Бироқ кейинчалик бошқа оромгоҳлар вакиллари ҳам ўзларини кўрсатиб ғалаба учун кескин кураш олиб боришди. Энг муҳими спорт майдончаларида ўсимирлар ва қизлар ўз оромгоҳи шаънини муносиб қўллаб-қувватлаш, ғалабага бўлган кучли интилиш каби ҳислатларини намойиш этидилар, кўплаб дўстлар орттирдилар. Бир сўз билан айтганда, спартакиадада дўстлик ғалаба қозонди.

Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: «Камалак» оромгоҳидаги спартакиада беллашувлари. Алексей Попов олган суратлар



Спорт янгиликлари

ДЕМЬЯНЕНКО ПЕКИНГА БОРАДИ

СУВ СПОРТИ УСТАЛАРИДАН БИРИ, ҲАМЮРТИМИЗ ИВАН ДЕМЬЯНЕНКО ХИТОЙ ПОЙТАХТИ ПЕКИНДА УЮШТИРИЛАДИГАН ЁЗГИ ОЛИМПИАДА МУСОБАҚАЛАРИДА ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН БЎЛДИ.

Ғал шундаки, яқинда Беларусда сузиш бўйича мамлакат очик чемпионати уюштирилди. МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари спортчилари қатори ушбу нуфузли турнирда қатнашган Иван Демьяненко муваффақият қозониб совриндорлар сафидан ўрин эгаллади. Шундай қилиб Пекин йўлнамалари сони яна биттага кўпайди.

«ПАХТАКОР» — ЯРИМ ФИНАЛДА

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОЛИЙ ВА БИРИНЧИ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИНИНГ «ПАХТАКОР» ВА «БУХОРО» КОМАНДАЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ ЧОРАК ФИНАЛНИНГ ТАҚРИРИЙ УЧРАШУВИ ТОШКЕНТДАГИ «МҲСК» СТАДИОНИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

Анча қизиқарли ва муросасиз кечган беллашу Равшан Хайдаров шоғирдларининг 6:3 ҳисобидаги ғалабаси билан ақунланди. Шунга таъкидлаш жоизки, ушбу беллашувада ёш умидли пахтакорчи Санъат Шихов меҳмонлар дарвозасини уч марта аниқ нишонга олди.

Ўтказилган икки ўйин натижасига кўра ярим финалга йўлланма олган «Пахтакор» жамоаси футболчилари энди азалий рақиблари Фаргонанин «Нефтич» командаси аъзолари билан уй-меҳмон тизимида куч синашади.

ДИЛШОД — ТУРНИР ГОЛИБИ

РОССИЯНИНГ КАЛИНИНГРАД ШАҲРИДА ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ИШТИРОК ЭТГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ, КЎПЛАБ ТУРНИРЛАР ГОЛИБИ, ҲАМЮРТИМИЗ ДИЛШОД

МАНСУРОВГА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ.

Ғал шундаки, ўн та давлат спортчилари голиблик учун кураш олиб борган турнирда 60 килограмм вазнлилар орасида Ватанимиз шарафини Ҳимоя қилган Дилшод Мансуров финалда қирғизистонлик полвон Бозор Бозоргуев билан куч синашди ва рақибини катта устунлик билан енгди. Бу ғалаба Дилшод учун Пекин Олимпиадаси олдидан ўзига хос маҳорат мактабини ўтади.

ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА

2010 ЙИЛДА ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШИШНИ НИЯТ ҚИЛГАН РАУФ ИНИЛЕВ БОШ МУРАББИЙЛИГИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА ТУРИШИБДИ.

Ғал шундаки, жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг ҳал қилувчи IV босқичига йўлланма олган футболчиларимиз ўйин амалиётини кучайтириш мақсадида 29 август ва 11 октябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда Жанубий Корея терма жамоалари билан сафарда назорат ўртоқлик учрашувида куч синашади.

Ўзбекистон футбол федерациясидан хабар қилишларича, 20 августда ҳам Тошкентда кучлироқ терма жамоага қарши Рауф Инилев шоғирдлари майдонга тушади.

Дарвоқе, терма жамоамиз жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг IV босқич беллашувини 6 сентябрда сафарда қатарлик чарм тўп усталарига қарши ўйин билан бошласа, 10 сентябрда Австралия терма жамоаси терма жамоамиз меҳмони бўлади.

МИНСКДАН ХУШҲАБАР

БЕЛАРУСЬ ПОЙТАХТИ МИНСК ШАҲРИДА СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТУРНИР УЮШТИРИЛДИ.

Ушбу турнирда мамлакатимиз шарафини Ҳимоя қилган Луиза Галиулина маҳоратли спортчи эканлигини исботлаб, биринчи ўринни қўлга киритди ва турнирнинг олтин медалига сазовор бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидда 2008 йил 19 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1.Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 03.08.2007 йил 10-0711/7350-сон, 04.10.2007 йил 10-0711/10082-сон, 09.11.2007 йил 10-0711/11769-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 178-уй манзилидаги, умумий ер майдони 1026 кв.м. ва майдони 459 кв.м. бўлган маъмурий бино қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 68 105 000 сўм. 2.Шунингдек аукцион савдосига Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 07.08.2004 йил 10-0404/5395-сон, 11.10.2004 йил 10-0410/7540-сон ва 21.12.2004 йил 10-0407/10101-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 8-уй манзилидаги «Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти дистанцияси» ОАЖ ҳудудида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда — «ЗИЛ-138» русумли, д/р 10AL131 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—6 300 000 сўм.—«ЗИЛ-130» (автовишка)русумли, д/р 10AL142 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—35 630 000 сўм. «МАЗ-5334» (автокран) русумли, д/р 10 AL 141 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 920 000 сўм. Мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларини қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Рахимов ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. МФО: 00901, ИНН: 200933850. х/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш. С.Рахимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

Тошкент шаҳар Ҳўжалик Судининг 2008 йил 1 июлдаги ажримига асосан қўйидаги корхона-ни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, унга нисбатан қузатув жараёни бошланди

Table with columns: №, Корхона номи, Мақоми, СТИР, Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами, ОКПО, Ҳўжалик Судининг ажрим рақами, Мувақат бошқарувчи, Банкротлик иши қўйилган кунга ва соатга қўйилди

Кредиторларнинг йиғилиши 2008 йил 11 июлда соат 15.00 да ўтказилди. Қузатувга оид ишлар қўйидаги манзилда давом этмоқда. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси 23а-уй 603-хона Банкротлик иши 2008 йил 14 июлда соат 15.00 да Тошкент шаҳар, Чўпон ота кўчаси 6-уй 4-сонли суд залида. Тошкент шаҳар Ҳўжалик суди биносида (судья Г.М.Таирова томонидан) қўрилади.

«KAFOLAT RIELT» МЧЖ, 2008 йил 15,19,22,26,29 август кунлари соат 12.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида очик аукцион савдоларини ўтказилади. Аукцион савдоларига қўйидаги мулк бошланғич баҳоси 10% пайсантирилган ҳолда ҚАЙТАДАН ҚЎЙИЛМОҚДА:

«BESHQAYRAG' OCHNON» ШКнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, М.Уйғур кўчаси 555«а»-уй манзилида жойлашган «BESHQAYRAG' OCHNON» ШК банкрот корхонасига тегишли мол-мулклари, мулкрий мажмуа сифатида қўйилди. Бошланғич баҳоси-232 125 183 сўм. Ушбу мулкни корхонанин тугатиш бошқарувчиси вакили иштирокида жойига чиқиб қўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар, савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига 10 фоиз миқдорда зақалат пулини тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати-ни тақдим этган ҳолда савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пулларини қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйидаги манзилга муурожаат қилишининг мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 238-69-94, 238-69-93.

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги Чўпон номи 258-ўрта мактаб томонидан 2005 йилда Зияев Азиз Шовкатович номига берилган О'Р серияли, SH-0189662 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шахоҳатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Ўзлонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунини соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3189 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2. Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига муурожаат қилишининг мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарк» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563